

**“O’ZKIMYOSANOAT”
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

BUYRUQ

2022-yil “16” noyabr

175-son

Toshkent shahri

**“Korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi
ichki me’yoriy hujjatlarni tasdiqlash
to‘g‘risida”**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasining 2020-yil 4-sentyabrdagi 02-2488-sonli topshirig‘i va Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining 2021-yil 18-oktyabrdagi 01-07/6859-sonli xati hamda “O’zkimyosanoat” AJ tizimida korrupsiyaga qarshi kurashish hamda uning oldini olish bo‘yicha tasdiqlangan “Yo‘l xaritasi” talablari ijrosini ta’minlash maqsadida

BUYURAMAN:

1. Mazkur hujjatlar ijrosini ta’minlash hamda qonunchilik talablari asosida kiritilgan o‘zgartirishlarni inobatga olgan holda quyidagi me’yoriy hujjatlar qayta tasdiqlansin:

-“O’zkimyosanoat AJ va uning tarmoq korxonalarida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlash va baholash Uslubiyoti” 1-ilovaga muvofiq;

-“O’zkimyosanoat» AJ ijro apparati va uning tarkibiga kiruvchi tarmoq korxonalarida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimining holati to‘g‘risidagi hisobotni shakllantirish va taqdim etish bo‘yicha Reglament 2-ilovaga muvofiq;

-“O’zkimyosanoat” AJga aloqa kanallari orqali korrupsiyaviy xatti-harakatlar to‘g‘risida kelib tushgan xabarlarni qabul qilish va ko‘rib chiqish Reglamenti” 3-ilovaga muvofiq;

-“O’zkimyosanoat” AJ va uning tarmoq korxonalarida manfaatlar to‘qnashuvini boshqarish bo‘yicha Nizom” 4-ilovaga muvofiq.

2. Ro‘yxatga olish va ijro intizomini nazorat qilish bo‘limi (Salixov) “O’zkimyosanoat AJ xodimlarini shaxsiy imzolari orqali mazkur me’yoriy hujjatlar bilan tanishtirishni ta’minasin.

3. Korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi ichki me’yoriy hujjatlarni tasdiqlanganligi to‘g‘risidagi axborotni matbuot kotibi (Eshbekov) O’zkimyosanoat AJning rasmiy veb-saytlarida va boshqa ijtimoiy tarmoqdagi sahifalarida keng yoritilishini ta’minasin.

4. “O’zkimyosanoat” AJ Ro‘yxatga olish va ijro intizomini nazorat qilish bo‘limi (Salixov) ushbu buyruqni “O’zkimyosanoat” AJ tarmoq korxonalariga o‘z vaqtida yetkazilishini ta’minasin.

5. “O’zkimyosanoat” AJning 2020-yil 19-noyabrdagi 103-sonli buyrug‘i, 2020-yil 9-noyabrdagi 88-sonli buyrug‘i, 2020-yil 9-oktyabrdagi 87-sonli buyrug‘i, 2021-yil 30-dekabrdagi 176-sonli buyrug‘ining 1-ilovasi o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblansin.

6. Mazkur buyruqning ijro nazoratini o‘z ~~zurraminda~~ qoldiraman.

Boshqaruv raisi v.v.b.



J. Korjikov

**“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармок корхоналари фаолиятида
коррупциявий хавф-хатарларни
аниқлаш ва баҳолаш
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармок корхоналари (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Жамиятнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуидагилардан иборат:

Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;
коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;
коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;
коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупциявий хавф-хатар - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти- ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси - Жамият фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, колдик коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижорчиларни ўз ичига олган хужжат;

коррупцияга оид хуқукбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш - Жамиятнинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-

хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

қолдик хавф-хатар - аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

маҳсус бўлинма - Жамиятдаги коррупцияга қарши ички назорат бўлими - Комплаенс хизмати;

4. Жамият томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 1 мартаға қадар амалга оширилади.

5. Узбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши мумкин.

2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Жамият ижро аппаратининг барча бошқарма ва бўлимларини, шунингдек унинг тузилмасига киравчи тармоқ корхоналарининг барча таркибий бўлинмаларини қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда Жамият ижро аппаратининг Комплаенс хизмати томонидан куйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг тузилмасига киравчи корхоналар томонидан ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш.

8. Жамиятнинг тузилмасига киравчи тармоқ корхоналарида Комплаенс хизмати куйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

9. Комплаенс хизмати томонидан Жамият фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

10. Жамият фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташки ахборот манбалари асосида аниқланади.

11. Ички ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

Жамият фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) хукукий асоси;

ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йигилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

Комплаенс хизмати томонидан Жамият фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

12. Ташки ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

Жамият фаолияти тўғрисидаги хукуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан Жамият фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

13. Комплаенс хизмати томонидан Жамиятнинг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

Жамиятнинг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид хукуқбузарлик;

Жамият томонидан унинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вактида қарор қабул қиласлиқ, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул килиш;

хужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғаймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

14. Жамият фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуидаги ўлчовларда баҳоланади:

Паст;

Ўрта;

Юқори.

15. Комплаенс хизмати томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига

баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари

16. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари кўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда ички идоравий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва давлат ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) ракамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

Жамият ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Жамият томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган хужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

Жамият томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик сухбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички хужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

Жамият коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича конунчилик хужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 16- бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

18. Жамият ижро аппаратининг Комплаенс хизмати томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ижро аппаратининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

19. Жамиятнинг тузилмасига кирувчи тармоқ корхоналари томонидан ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳалари кўриб чиқилади.

Бунда, мазкур лойиҳалар Жамият ижро аппаратининг Комплаенс хизматига умумлаштириш учун тақдим қилинади.

20. “Ўзкимёсаноат” ижро аппаратининг Комплаенс хизмати томонидан Жамият фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида Жамиятнинг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва “E-anticor.uz” электрон платформасига ҳар йили 1 февралга қадар кирилилади.

21. Жамият ижро аппаратининг Комплаенс хизмати томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда куйидаги хужжатлар шакллантирилади:

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатари юкори бўлган лавозимлари рўйхати.

5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби

22. Агентлик томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойихалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

23. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойихаси Агентлик томонидан жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга “E-anticor.uz” веб-сайтига жойлаштирилади.

24. Агентлик жамоатчилик мухокамаси натижалари бўйича умумлаштирилган таклифларни мухокама якунланган кундан бошлаб ўн кун ичida “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали Жамиятга юборади.

25. Жамият ижро аппаратининг Комплаенс хизмати Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойихаларини такомиллаштиради.

26. Жамият бошқаруви раиси ҳар йили 1 марта қадар коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали тасдиқлади.

6-боб. Якуний қоидалар

27. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Узкимёсаноат” АЖ ва унинг тармоқ корхоналари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниклаш ва баҳолаш услубиётига
1-Илова

Жамият фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ТАВСИФИ

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармок
корхоналари фаолиятида коррупциявий
хавф-хатарларни аниклаш ва баҳолаш
услубиётига
2-Илова

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юкори*	<p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган</p> <p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солингмаган</p> <p>Назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд</p> <p>Жамият фаолияти (вазифа ва функция) доирасида карорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида бир шахс иштирок этиши</p> <p>Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришида коррупциявий хатти-харакат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)</p>
Ўрта*	<p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган</p> <p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган</p> <p>Назорат тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд</p> <p>Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияни) доирасида карорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида иккита шахс иштирок этиши</p> <p>Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияси) бажаришида коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)</p>
Паст†	<p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган</p> <p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган</p> <p>жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас</p> <p>Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида карорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши</p> <p>коррупциявий хатти-харакат ва коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас</p>

* Комлаенс хизмати томонидан Жамият фаолиятида (вазифа ва функциясида) аникланган хавф-хатарнинг “Юкори” ёки “Ўрта” даражада деб баҳолаш Жамит бошкарув раиси билан келишган ҳолда амалга оширилади.

† Жамият фаолиятида (вазифа ва функциясида) аникланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда “Паст” даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг тармоқ
корхоналари фаолиятида коррупциявий хавф-
хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига
3-Илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви
раиси в.в.б.
Е.А.Коржиков

2022 йил

Ўзкимёсаноат АЖ ва унинг тармоқ корхоналари фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг
ХАРИТАСИ

T/p	Коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари	Қолдик коррупциявий хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Масъул ижрочилар
1.	1. Таркибий бўлинманинг номи*						
1.	1. Жамият функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабат номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						
2.	2. Таркибий бўлинманинг номи*						
2.	1. Жамият функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабат номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						

“Узкимёсаноат” АЖ ва унинг тармок
корхоналари фаолиятида коррупциявий
хавф-хатарларни аниqlаш ва баҳолаш
Услубиётига 4-Илова

**Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ**

T/r	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.				
2.				